

СУД ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Охирги йиллардаги суд органлари тизимидаги улкан ислоҳотлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги қирраларини яратди. Ҳуқуқ ҳамда қонун устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили аниқлаштирилди. Ўзбекистонда кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари олиб борилиб, демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Мамлакатни янада кенг кўламда тараққий этиши, ривожланиши, барқарорликни таъминланиши, шунингдек, давлат бошқарувини модернизация қилишни такомиллаштириш масалалари кун тартибида турар экан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичга кутармасдан бунга эришиш қийин эди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари туғрисида”ги 4850-сонли Фармони айнан шу мақсадни кўзлаган.

Ушбу Фармон суд ҳуқуқ соҳасининг жуда кўп жабҳаларини тубдан ислоҳ этишга дахлдор булди. Фармоннинг суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, ривожлантиришга тегишли талаблари айрим процессуал ҳаракатларни тубдан ислоҳ этди.

Фармон асосида жуда катта ҳажмдаги суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этишга оид комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Дастурда бир қатор янги қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш, кўплаб қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва суд-ҳуқуқ тизимига тегишли ташкилий масалаларни ҳам ҳал этиш масалалари назарда тутилган эди. Фармон суд-ҳуқуқ соҳасининг кўп йиллардан буён мунозарали бўлиб келган масалаларини қонуний ечимини топиш билан бирга, уларни босқичма-босқич янада такомиллаштириш йўналишларини белгилаб берди ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга сафарбар этилди. Ушбу Фармонда назарда тутилган суд тизимини изчиллик ва тизимли равишда ислоҳ этишни таъминлаш мақсадида Республика Президенти томонидан 2017 йил 17 февраль куни “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан

такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон қабул қилинди.

Ушбу Фармонда мамлакатни янада ривожлантиришнинг устувор йуналишларидан бири суд тизимини янада демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланиши қайд этилди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши тузилди. Кенгаш судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланиб, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишига кўмаклашиб келмоқда.

Кенгашнинг вазифалари Фармонда жуда ҳам кенг тарзда ифодаланган бўлиб, улар судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига курсатиш учун тавсия бериш йули билан судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш буйича чора-тадбирлар кўриш каби масалалар Фармонда ўз аксини топган.

Азиз Эсанов

Жиноят ишлари бўйича Термиз туман

судининг девонхона мудир